



# МАДАНИЯТ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ НАШРИ

№27 (57) 4.07.2019 йил

Республика танлови

## Санъатимиз ниҳоллари



Шу кунларда халқимиз орасидан етишиб чиқаётган ёш иқтидор эгаларини асраб-авайлаш, уларнинг имкониятларини тўла рўёбга чиқариш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори асосида ташкил этилган “Ниҳол” мукофоти танловининг якуний босқичига тайёргарлик кетмоқда.

Мазкур танловнинг туман (шаҳар) саралаш босқичлари Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирилик томонидан 2018 йилнинг 7-26 май кунлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида эса 2018 йилнинг 25 октябрь-23 ноябрь кунлари ўтказилди.

Танловнинг туман (шаҳар) саралаш босқичида 14 000 нафардан зиёд, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги белла-

шувларда эса 1036 нафар ёш иқтидор эгалари иштирок этиб, уларнинг 206 нафари якуний республика босқичига йўлланма олди.

2019 йилнинг 10-13 июль кунлари Ўзбекистон давлат консерваториясида танловнинг якуний босқичи ўтказилди. Совриндорларни тақдирлаш маросими эса 16 август кунини “Халқлар дўстлиги” санъат саройида бўлиб ўтади.

Аслида “Ниҳол” мукофоти эстрада,



муסיқа, мумтоз қўшиқ, рақс ва опера санъати ижрочилиги соҳасидаги маҳорати билан одамлар юрагига етиб борадиган, ёшларни эзгуликка чорлайдиган, уларни маънавий баркамол инсонлар қилиб тарбиялашга хизмат қиладиган асарлар яратишда фаоллик кўрсатаётган 17 ёшдан 25 ёшгача бўлган иқтидорли ёшларни мунтазам рағбатлантириб бориш мақсадида берилади.

Давоми 2-саҳифада

Ушбу сонда

### Кўчма кўргазма ташкил этилди



8-саҳифада

Мозий садоси

### Хўжа Аҳмад Валий қадамжоси

Истиқлол туфайли юртимизда тарихга муносабат тубдан ўзгарди. Узоқ йиллар давомида топталиб келган миллий қадриятларимиз, азиз авлиёларимиз номларини қайта тиклаш, хотирасини эъзозлаш борисида катта ишлар қилинмоқда.

7-саҳифада

Муносабат

### “Ўзбек театри: бугун пайдо бўлмаган муаммолар” мақоласини ўқиб...

3-саҳифада

Қорақалпоғистонда Ёшлар кунини



## Оролбўйи шодиёналари

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши томонидан белгиланган чора-тадбирлар режасига кўра, сана муносабати билан 480 лойиҳа ва турли мавзудаги тадбирлар ўтказилди. Уларга барча шаҳар ва туманлардан, чекка қишлоқлардан 62 минг нафардан зиёд ёшлар қамраб олинди.

“Ёшларни ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш ҳафталиги”да Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари, кам таъминланган оила фарзандлари, имконияти чекланган ёшлар учун байрам дастурхонлари ёзилди. Эллиқалға ва Амударё туманларида 6 та ёш оилага “Ёшлар уйи”нинг қалитлари тантанали равишда топширилди.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши ташаббуси билан барча шаҳар ва туманларда “Мен ишга жойлашдим”

**Ёшлар иттифоқи Нукус туман кенгаши томонидан туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда 5 та оиланинг никоҳ ва 5 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож боланинг суннат тўйлари намунавий тарзда ўтказилди. Уларга ташкилотчилар томонидан совғалар топширилди.**

лойиҳаси амалга оширилиб, унинг доирасида 140 нафар ёшнинг бандлиги таъминланди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан илгари сурилган 5 та ташаббуснинг бири – ёшларни китобхонликка жалб қилиш мақсадида Амударё туманининг энг чекка Бобур номидаги овул фуқаролар йиғини ҳудудида “Ёшлар кутубхонаси” очилди. Мазкур кутубхонага Амударё тумани ҳокимлиги ҳамда ёшлар иттифоқи Амударё туман кенгаши томонидан 800 дона бадиий китоб совға қилинди. Шунингдек, ёш-

лар иттифоқи Чимбой туман кенгаши ташаббуси билан туман прокуратура-си билан ҳамкорликда “Темирйўл” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида “Китоблар олами” кўча кутубхонаси ташкил этилди.

“Эзгулик албатта қайтади” шиори остидаги ҳафталикда беш маротаба қон топшириш акцияси ўтказилиб, унга фаол ёшларнинг 60 нафари жалб қилинди. Ҳафталик доирасида 318 нафар эҳтиёжманд оила фарзандлари ва имконияти чекланган ёшлар ҳолидан хабар олинди.

Давоми 2-саҳифада

|   |  |   |
|---|--|---|
| <p>Донолар сўзлайди...</p> <p>Тирик улки, ундан кейин қолса жой — Ҳовуз, кўлу кўприк-ла, карвонсарой.</p> <p>Саъдий</p> | <p>Ҳаётдан кўз юмиш ваҳимаси билан яшаган одам ҳеч қачон ҳаёт лаззатини татий олмайди.</p> <p>И.Кант</p> | <p>Зўр қувончга фақат катта меҳнат билан эришиш мумкин.</p> <p>И.Гёте</p> |
|---|--|---|

» Ташриф

## Маданият вазири Тошкент вилоятида



Президентимизнинг ёшлар сис-  
тасига оид бешта муҳим ташаб-  
бусининг жойлардаги ижроси  
қай тартибда олиб берилаётгани-  
ни билиш мақсадида Ўзбекистон  
Республикаси маданият вазири  
Б.Сайфуллаев 2 июль куни Тош-  
кент вилоятининг Янгийўл ҳамда  
Куйичирчиқ туманларига ташриф  
буюрди.

Маданият вазири ушбу туман-  
лардаги маданият ва санъат му-  
ассасалари фаолияти билан та-  
нишиб, янги барпо бўлаётган ва  
қайта таъмирланаётган бинолар-  
нинг ҳолатини ўрганди.  
Шунингдек, бешта ташаббус иж-  
роси бўйича мутасаддиларга те-  
гишли вазифа ва топшириқлар,  
тавсиялар берилди.



» Халқаро ҳамкорлик

## Онлайн кўргазма ишга тушди

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва-  
зирлиги ҳузуридаги Маданият ва санъат-  
ни ривожлантириш жамғармаси ҳамда  
Google Arts & Culture платформаси ўртасида  
Ўзбекистон музейлари коллекцияси онлайн  
каталогини жойлаштириш бўйича кели-  
шув имзоланди. Шу кунларда платформада  
рақамли тўпламлар ва иккита — Ойбекнинг  
уй-музейидаги экспонатлар ҳамда “Кўрғон  
чирок” видеоинсталляциясининг онлайн  
кўргазмаси ишга туширилди.



Жамғарма мазкур платформанинг  
Ўзбекистондаги илк ҳамкори бўлди. Музей  
коллекцияларининг у орқали намоиш эти-  
лиши халқаро маданий онлайн платформалар-  
нинг ҳар томонлама кенгайтишига имкон бе-  
ради. Эндиликда фойдаланувчилар дунёнинг  
исталган бурчагидан туриб, намоиш этила-  
ётган экспонатларни томоша қила оладилар.

Google Arts & Culture — жаҳоннинг 70 та  
мамлакатигади 200 та музей экспонатлари, га-  
лерейлари ва бошқа ташкилотларнинг онлайн  
тўплами. Бу хизмат халқаро кўргазмаларни  
томоша қилиш ва санъат асарларини чуқур  
ўрганиш имконини тақдим этади. Бу ерда яна  
халқаро маданият ва санъат тарихини ўзига  
акс эттирган нашрлар, фотосуратлар, видео-  
роликлар ва қўлёзмалар, шаҳарлар ва архи-  
тектура ёдгорликлари, шунингдек, табиат  
мўъжизалари бўйлаб саёҳат тақдим этилади.

Платформа томонидан кейинги босқичда  
Ўзбекистон музейлари учун 3D саёҳатларни  
ишлаб чиқиш режалаштирилмоқда.

» Кўрик-танлов

## Самарқандда ашула ва рақс ансамбллари беллашди

27 июнь куни Самарқанд вилоятида ашула ва рақс ансамбллари кўрик-  
танлови бўлиб ўтди.

Вилоят ҳокимлиги маданият бошқармаси, фахрийларни ижтимоий қўллаб-  
қувватлаш “Нуронийлар жамғармаси”, хотин-қизлар кўмитаси, фуқаролар ўзини-ўзи  
бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича вилоят кенгаши, теле-  
радиокомпания, ёшлар иттифоқи, ёзувчилар уюшмаси, “Олтин мерос” жамғармаси,  
Самарқанд шаҳар таълим, фан ва маданият ходимлари касабга уюшмалари кенгаши  
ҳамкорлигида ўтказилган танловнинг биринчи босқичи Каттақўрғон шаҳар драма  
театрида ўтказилди. Унда Пахтачи, Нарпай, Иштихон, Нуробод, Каттақўрғон туман-  
лари ва Каттақўрғон шаҳри жамоалари 17 та жанр асосида беллашишди.

Ушбу танловда Нарпай туман маданият бўлимининг “Зарбулок” ашула ва рақс ансамбли ҳам тумандаги 13-, 27-мусиқа мактаблари ўқувчилари билан ҳамкорликда фаол иштирок этишди ва ўз куй-қўшиқлари билан барчага завқ улашишди.



» Давоми. Боши 1-саҳифада



## Санъатимиз ниҳоллари

2000 йилда таъсис этилган мазкур мукофот учун танлов дастлаб анъанавий тарзда ҳар йили ўтказилган. 2006 йилдан бундан ташкил этилмоқда. Бундан кўзланган мақсад, республикамизнинг чекка ҳудудларида яшаб ижод қилаётган истеъдод эгаларининг меҳнатларини кенг жамоатчилик ҳукмига ҳавола этиш, уларнинг ижодини қўллаб-қувватлаш

ва тарғиб қилишдир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёш истеъдодлар учун “Ниҳол” мукофоти танловини ташкиллаштириш ишларини такомиллаштириш тўғрисида”ги 2011 йил 3 ноябрдаги 295-сонли қарорига биноан танлов икки йилда бир марта ўтказилиши белгилаб қўйилди.

Маълумки, мукофот соврин-

дорлари ўз йўналиши бўйича олий ўқув юртига имтиҳон ва тест синовларисиз давлат гранти асосида ўқишга кириш имконини қўлга киритадилар. Шунингдек, ғолибларга “Ниҳол” рамзи акс эттирилган соврин ва энг кам ойлик иш ҳақининг 70 баравари миқдоридagi пул мукофоти топширилади.

Бу йил якуний босқичга йўлланма олган барча ёш истеъдодларга муваффақият тилаб қоламиз!

» Давоми. Боши 1-саҳифада

## Оролбўйи шодиёналари

Уларга ташкилотчилар томонидан ўқув куруллари, озиқ-овқат махсуслотлари, ёрдамга муҳтож 15 нафар болага дори-дармон топширилди.

“Ёшлар ойлиги” доирасида Нукус шаҳри, Амударё, Эллиқалъа, Чимбой, Нукус, Тахтақўпир, Қораўзак, Қўнғирот, Беруний, Тўртқўл туманларида спорт майдончаларининг тантанали очилиш маросимлари ўтказилиб, “Ёшлар кубоги” мусобақалари ўтказилди.

Шунингдек, Нукус шаҳрининг марказий кўчалари бўйлаб “Youth Day” югуриш мусобақаси, Шимоли-ғарбий ҳарбий округи, Қуроли Кучлар тузилмалари, давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ҳарбий техникалар паради ва кўргазмалари ташкил этилди. Сунъий қопламали спорт майдончаси фойдаланишга топширилиб, “Ёшлар кубоги” мусобақасининг финал босқичи ўтказилди. “Ёшлар маркази” ва “Истиқлол” болалар истироҳат боғида ёшлар сайиллари ўтказилиб, унинг доирасида “Китобхонлик” викторинаси, китоб ярмаркалари, янги асарлар тақдими, ёш дизайнерлар либослари намоиши, “Дунё рақслари”, ёш расомлар ва хунаромандлар галереяси, ёш ижодкорларнинг “Назм ва наво” кечалари ташкил этилди.

Байрам муносабати билан Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат академик мусиқа театрида “Саховат боғи”, Қорақалпоқ давлат Ёш томошабинлар театрида “Ватан тупроғи” спектакларининг намоиши, Қорақалпоқ давлат Кўғирчоқ театрида 5 та ташаббусга бағишланган маданий-маърифий тадбир ўтказилди.

Нукус шаҳридаги марказий амфитеатрда “Ёшлар ойлиги” ва 30 июнь – Ёшлар куни муносабати билан гала концерт ва фаол ёшларни тақдирлаш маросими ўтказилди.

Довуд АБИБУЛЛАЕВ, Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ (сурат), ЎЗА

» Маданий мерос



## Шаҳрисабз ЮНЕСКО рўйхатида қолади

Боку шаҳрида ЮНЕСКО Бутунжаҳон мероси кўмитасининг 43-сессияси бўлиб ўтмоқда. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Азиз Абдуҳакимов бошчилигидаги делегация иштирок этаётган мажлис доирасида “Шаҳрисабзнинг тарихий маркази” бўйича тегишли қарор қабул қилинди.

Мазкур ҳужжат Ўзбекистон раҳбарияти томонидан бутунжаҳон мероси объектларини муҳофаза қилиш бўйича қабул қилинган чора-тадбирлар, жумладан, тарихий шаҳарларда ҳар қандай қурилиш ишларини тўхтатиш тўғрисидаги ҳукумат қарорини маъқуллайди.

Қарорда, шунингдек, Шаҳрисабз шаҳрини бутунжаҳон мероси рўйхатида қолдириш белгиланган бўлиб, шаҳарни янада ривожлантириш бўйича аниқ тавсиялар берилган.

Эндиликда ЮНЕСКО Шаҳрисабзни бутунжаҳон мероси рўйхатидан чиқаришни эмас, аксинча, кейинги икки йилда шаҳарни қайта тиклаш бўйича аниқ саъй-ҳаракатларни амалга оширишни таклиф этмоқда.

Ташриф

## Маданият вазири Жиззахда

Ўзбекистон Республикаси маданият вазири 29 июнь куни Жиззах вилоятининг Шароф Рашидов тумани ҳамда Жиззах шахрига ташриф буюриб, юртбошимиз илгари сурган бешта ташаббус ижроси юзасидан амалга оширилиши

лозим бўлган ишларни кўздан кечирди.

Маданият вазири Б.Сайфуллаев мазкур сафар чоғида Шароф Рашидов туманидаги “Кора янтоқ” МФЙ худудида жойлашган, хозир қаровсиз ётган клуб биносини давлат хусусий ше-

рикчилиги асосида тadbиркорларга бериш ва уни қайта барпо этиш масаласини муҳокама қилди.

Шунингдек, беш ташаббус бўйича белгиланган вазифалар ижроси юзасидан тегишли раҳбарларга вазифа ва топшириқлар берилди.



Муносабат



# “Ўзбек театри: бугун пайдо бўлмаган муаммолар” мақоласини ўқиб...

“Маданият” газетасининг 2019 йил 6 июндаги 23 (53)-сонидан чоп этилган “Ўзбек театри: бугун пайдо бўлмаган муаммолар” мақоласини ўқиб, ўз мулоҳазаларини билдиришни лозим топдим.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирилик қoшида ташкил этилган жамоат кенгашининг навбатдаги давра суҳбати тарзида ўтказилган йиғилишда театр фаолияти ҳақида танқидий ва таҳлилий фикр-мулоҳазалар ўртага ташланибди. Мақолада айтилишича, маданият ходимлари, хусусан, театр ижодкорларида ютуқ дейишга аризулик ўсиш кўзга ташланмаётгани, бу бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тегишли ҳужжатлар тақдим этиш учун таклиф ва тadbирлар ишлаб чиқиш зарурлиги, фақатгина соҳа мутахассислари билангина эмас, балки томошабин фикри билан ҳам қизиқиш, янги-янги асарларга мурожаат қилиб, бир хил қолипга тушиб қолишдан қочиш зарурлиги таъкидланган.

Эҳтимол, бу гапларда жон бордир, аммо ёзган асарлари билан инсонларнинг қалб кўзларини очётган драматурглар, ўз иши билан томошабинларнинг маънавиятини янада юксалтиришга хизмат қилаётган режиссёрлар, ўйнаган роллари орқали биргина инсонни бўлсада, ўзгартиришга қодир бўлаётган актёр, актрисаларнинг қилаётган ишлари нахотки эътирофга лойиқ бўлмасми?

Бугунги кунда мамлакатимизда театр санъатини ривожантириш бўйича ҳам зарурий қарорлар қабул қилиниб, барча театрларда уларнинг ижросини таъминлаш борасида иш бошланган. Бир сўз билан айтганда, театрларда бугун қизгин ижодий жараён кетмоқда. Натижада эса томошабинлар яна бу даргоҳга қайтмоқда. Қувонарлиси, улар ўз саҳна асарларини танлаб ташриф буюришмоқда, гулдасталар билан келишни одатга айлантирган зиёли ва маънавиятли томошабинларнинг сони ортиб бормоқда.

Яна бир гапга эътирозим бор, ахир театрларимиз ижодкорлари томошабинлар фикридан қачон узоқлашишди? Аксинча, улар томошабинлар билан кўчадаги мулоқотларда ҳам ҳаммаша хушёр, ҳар бир инсон фикрини инобатга олишди. Улар шундай хислатга эгаларки, томошабиннинг кўз қарашларидан ҳам ички оламини ўқиб оладилар. Бир хил



қолипга тушиб қолишадигани ҳам йўқ. Театрлар репертуарларида тарихий, оилавий ҳамда барчани ўйлашга қорлайдиган тарбиявий аҳамиятга эга бўлган асарлар қанча...

Йиғилишда маъруза қилганларнинг бири маданият соҳасида ойлик маошнинг камлиги хусусида сўз юритибди. Тўғри, лекин соҳа вакиллари ойланиб кўзга кўринарли даражада кўтарилганининг ўзи етарли эмасми? Аввал ана шу маошни оқлаб олайлик-чи...

Фикр билдирган мутахассислардан бирининг санъат олийгоҳини тамомлаётган ёшлар хусусидаги танқидлари қай даражада ўринли? Албатта, савод даражаси паст ёшлар ҳам йўқ эмас, аммо бир-иккита талабанинг билимини кўриб, барча ёшларга шундай баҳо бериш тўғримикин?

Хусусан, бизнинг Наманган музикали драма театри ўзига хос истеъод эгаларига бой. Санъат олийгоҳини тамомлаб келган ёшлар ҳам ўз ижодлари орқали жамоа эътиборига тушмоқдалар, ўзларини намоен этмоқдалар. Ўрта маълумотли бўлса-да, истеъдоди ва қобилияти билан ўз ўрнига эга бўлган ёшларни олий ўқув юртларига сиртки бўлим асосида ўқишга юбориб, уларни жамоада олиб қолишга ҳаракат қилиб келинмоқда.

Театр репертуари ўзига хос замонавий, тарбиявий, тарихий мавзуларда бўлиб, асарларимиз томошабинларнинг олқишларига сазовор бўлмоқда. Республикадаги кўплаб театрлар қатори қўшни давлат — Қирғизистон Республикасига қилинган ижодий сафарларимиздан кейин, Ўш вилояти театригина эмас, у ердаги мухлислар билан ҳам дўстона алоқалар ўрнатдик.

Театр репертуарини янада бойитиш



ҳамда томошабинларнинг маънавияти, маданиятини юксалтириш мақсадида миллий ва тарихий асарларга мурожаат қилиш бизнинг доимий вазифамизга айланган. Айнан шу мақсадда театримизда катта бир тарихий асар устида иш олиб борилмоқда.

Қолаверса, юртимизда Маданият вазирилик томонидан ўтказилаётган “Дебют”, “Сени қуйлаймиз, замондош!” каби кўрик-фестиваллар республика театрларини соғлом рақобатга ундамоқда. Бундан ташқари, ижодий жамоалар халқаро театр санъати фестивалларида иштирок этиш учун ҳаракат қилишяпти. Шундай экан, нафақат маданият соҳасида, айнан театр санъатини ривожлантириш борасида ижодий натижалар ва кўрсаткичлар борлигини ва унинг замирида айнан меҳнат ётганини инкор этиб бўлмайди. Биз эса бу натижаларни ушлаб қолишга, янада изланишга бор кучимиз билан ҳаракат қиламиз. Зеро, излаган имкон топади.

**О.УСМОНОВА,**

Наманган вилояти музикали драма театри директори  
**М.МАМАДАЛИЕВА**  
театр адабий эмалдоши

Танлов

## Биринчи ўринни олганларга имтиёз бор



29 июнь-6 июль кунлари бўлиб ўтиши кўзда тутилган “Халқ чолғулари ижрочилари” Республикаси танловига старт берилди. Маданият вазирилик томонидан ташкил қилинган мазкур танлов Ўзбекистон давлат консерваториясида бўлиб ўтмоқда.

Танловда 17 ёшдан 35 ёшгача бўлган ижодий жамоалар созандалари, маданият ва санъат олий таълим муассасалари талабалари, шунингдек, ихтисослаштирилган музика ва санъат мактаблари ҳамда лицейларининг ўқитувчи ва ўқувчилари иштирок этишмоқда. Халқ чолғуларида ижрочилик санъатини янада юксалтириш, моҳир ижрочиларни кашф этиш, ёшларнинг истеъдоди, ижодий қобилияти ҳамда ижрочилик кўникмаларини янада ривожлантириш, мақом санъати, миллий мумтоз, жаҳон классик музикасининг дурдона асарлари ва композиторлик ижодиётдан баҳраманд бўлишлари учун қулай шароитлар яратиш, халқ чолғулари ижро имкониятларини ошириш ҳамда уларнинг ўзига хос хусусиятлари билан оммани таништириш мақсадида ўтказилаётган мазкур беллашувда халқ чолғулари бўйича 20 га яқин ижодий жамоа ва таълим муассасаларининг 100 га яқин созандалари қатнашмоқда.

Иштирокчилар халқ чолғулари ижрочилиги йўналишида 7 та номинация бўйича уч босқичда беллашадилар. 3-босқич қатнашчилари асарларни оркестр жўрлигида ижро этади. Яқуний тур натижаларига кўра аниқланган ғолиблар диплом, эсдалик совғалари ва пул мукофотлари билан тақдирланади.

Биринчи ўрин совриндорлари маданият ва санъат йўналишидаги олий таълим муассасаларининг бакалаврият босқичига имтиёзли равишда ўқишга кириш ҳуқуқи белгиланган.

**А.МҲИНОВ,**  
муаллиф олган сурат

Ёшлар кун

## Ҳайвонот боғида байрам



Сурхондарё вилояти Термиз шаҳар маданият маркази тасарруфидаги 1- ва 2-сонли болалар музика ва санъат мактаби ижодий жамоаси шаҳардаги “Ҳайвонот боғи”да байрам тадбирини ўтказди.

Ёшлар кун муносабати билан ташкил қилинган ушбу тадбирда гўзал куй-қўшиқлар, жозибдор рақслар ва қизиқарли саҳна кўринишлари намойиш этилди.

Маданий алоқалар

### Музей делегацияси Уш шаҳрида

28-29 июнь кунлари Андижон вилояти тарихи ва маданияти давлат музейининг 15 нафар ходимидан иборат делегация Уш шаҳрида бўлиб ўтган “Фарғона водийсидаги умумий қадриятларни сақлаган музейларнинг ҳамкорлиги” мавзусидаги семинарда иштирок этди.

Анжуман музей ЮНЕСКО рўйхатида киритилган санининг 10 йиллигига бағишланган кўргазма билан очилди. Тадбирнинг иккинчи қисмида Андижон вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи директори И.Расулловнинг “Замонавий музейшунослик му-

аммолари ва унинг ечимлари” мавзусидаги ҳамда Андижон вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари Р.Мухаммедованинг “Фарғона водийси шаҳарсозлик маданияти” номли маърузалари тингланди.



Учрашув

## Маҳорат дарслари гўзаллик оламига чорлайди



26 июнь куни Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси аъзоси, халқаро танловлар лауреати, Ўзбекистон давлат консерваторияси доценти, композитор Муҳаммад Отажонов Термиз ихтисослаштирилган санъат мактабига ташриф буюрди.

Учрашувда назарий ва амалий машғулотлар ўтказилди, асарларнинг мазмун-моҳияти, уларнинг яратилиш тарихи ҳақида фикр-мулоҳазалар юритилди, турли жанрларда миллий асосда яратилган мусиқий асарлар ижро этилди.



М.Отажонов мактабнинг фортепиано кафедраси ўқитувчи ва ўқувчилари иштирокида маҳорат дарсини ҳам ўтказиб, ёш мусиқашуносларга ўзининг мусиқий асарлари, этюдларидан намуналар ижро қилиб берди. Тадбир якунида у санъат мактаби жамоасига “Караван”, “Парвоз”, “Шудринг”, “Қадим оҳанглар”, “Изҳор”, “Хоразм дугоҳи”, “Токката” номли фортепиано асарларини совға қилди. Термиз ихтисослаштирилган санъат мактаби раҳбарияти ташриф учун композиторга ўз миннатдорчилигини билдирди.

М.Отажонов ўзбек халқининг мусиқали драма ва комедия жанрларида самарали ижод қилиб, “Чирғимни ким ёқади?” (Ю.Жучик пьесаси, Югославия, 1992 й.) трагикомедиясини, “Ҳар кимки вафо қилса...” (Ҳ.Мухаммад пьесаси), “Дилбар юраклар” (С.Солиев ва Ҳ.Расул пьесалари, 1994 й.), “Огаҳий” (К.Аваз пьесаси, 1999 й.) мусиқали драмаларини яратган мусиқашунос олимдир.

Беш ташаббус билан келажак сари

## Фаол ўқувчилар тақдирланди



Ёшлар куни муносабати билан 30 июнь куни Андижон шаҳрининг Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғида “Беш ташаббус билан келажак сари” шиори остида гала-концерт ташкил этилди.

Концерт давомида мамлакатимизда беш ташаббус доирасида амалга ошириляётган ишларда фаол иштирок этиб келаятган вилоят ёшлари фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Улар қаторида Андижон шаҳридаги болалар мусиқа ва санъат мактаблари ўқувчилари — Султонбек Раҳимов, Алишер Аббосов, Райёна Абдуллаева, Мунавварчехра Исақовалар ҳам бор.

Реклама ҳуқуқи асосида

# Гулистоннинг жонкуяр маданиятчилари

Сирдарё вилояти Гулистон тумани маданият бўлими маркази ходимлари аҳолининг маданий эҳтиёжларини ўрганиш, кўнгилли дам олишларини ташкил этиш, ижтимоий-маданий фаоллигини қўллаб-қувватлаш ҳамда маданий-маърифий ва кўнгилчор тадбирларни ташкил этишда қўлларидан келганча ҳаракат қилишмоқда. Марказда ишлаш учун шароитлар қониқарли эмаслиги, хоналар етишмаслиги ва чолғу асбоблари йўқлигига қарамай, бу ерда бадий ижод ва амалий-таъсирий санъат билан шуғулланувчилар учун тўғарақлар ўз фаолиятини давом эттирмоқда.



Умид Ҳақназаров раҳбарлигидаги “Ашула”, “Халқ театри” қошида Равшан Зияев бошчилигидаги “Парвоз” болалар кўғирчоқ театри, Фарҳод Маматқулов раҳбарлигидаги драма, Ҳакима Ҳуролова раҳбарлигидаги “Дехқон болалари” намунали болалар ансамбли, Мадина Абдурахмонова раҳбарлигидаги рақс тўғарақлари шулар жумласидан.

Бундан ташқари, туман маданият маркази қошида Мамараҳим Ҳақназаров бошчилигидаги “Сайхун йигитлари” фольклорхалқ ансамбли, Иззатой Ҳуролова бошчилигидаги “Бойчечак” болалар рақс жамоаси, Шавкат Уришев раҳбарлигидаги кўғирчоқ театри, Алишер Абдутолипов раҳбарлигидаги “Ифтихор” болалар фольклор тўғарағи ҳамда Сафар бобо ўғли Зафар бошчилигидаги карнайчилар тўғарақлари доимий равишда ўз машғулотларини ўтказиб келмоқда. Тўғарақлар аъзолари туманда бўладиган барча байрам тадбирлари, танловларда фаол қатнашиб келишяпти.

“Сайхун йигитлари” фольклор халқ ансамбли шу йил март ойида Тошкент вилояти Оҳангарон туманида ўтказилган Наврўз телемарафониди, Гулистон шаҳридаги Амфитеатр томошагоҳида ўтказилган умумхалқ байрамларида, шунингдек, апрель ойида ўтказилган Халқаро бахшичилик санъати фестивалида фаол иштирок этди. Ансамбль жамоаси 5-10 май кунлари Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманида ўтказилган “Бойсун баҳори” фестивалида фахрли 2-ўринни қўлга киритди. Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Наврўз тантаналарида эса вилоят номидан “Дехқон болалари” болалар намунали жамоаси қатнашди.




Театр санъати ҳақида гап кетганда улғў маърифатпарвар Маҳмудхўжа Бехбудийнинг “Театр — ибратхона” деган фикри ёдга тушаверади. Ҳар бир томошабин театрдан қандайдир сабоқ олади, хатоларини тушунади. Айниқса, жажжи болажонларимизнинг сеvimли маскани — кўғирчоқ театрларининг зиммасида масъулият катта. Чунки ёш авлод маънавиятини юксалтириш, Ватанга, ота-онага муҳаббат туйғусини шакллантириш, катталарга ҳурмат, кичикларга иззатда бўлиш, жамият ривожига ҳисса қўшишдек улғў ишларга ўргатиш каби муҳим масалалар айнан шу маскан зиммасида туради.

Кичгинагина болакайнинг театрдаги илк таассуроти унга бир умр ҳамроҳ бўлиб қолишига шубҳа йўқ. Шундай экан, кўғирчоқ театри елкасидаги юк гоят масъулиятлидир. Зеро, кўғирчоқ театри санъати ўзининг мўъжизали олами билан кизиқарли ва сеҳрли кучга эга, шунинг учун ҳам болаларнинг мурғак тасаввур дунёсига тез кира олади.



Кўғирчоқлар воситасида одамларнинг яхши ва ёмон жиҳатлари, эзгу хис-туйғулари, қолаверса, тарихдаги ибратли қаҳрамонлар ҳақидаги тасаввурларини шакллантиришда кўғирчоқ театри санъатининг ўрни беқиёс, уни келажакка бошловчи “кўприк” дейиш мумкин. Ана шу эзгу мақсад йўлида фаолият юритиб келаятган санъат масканларидан бири Гулистон туман маданият маркази тасарруфидаги “Халқ театри”дир. Яқинда маданият маркази бадий раҳбари А.Маматқаримов ташаббуси билан “Халқ театри” қошида “Парвоз” номли кўғирчоқ театри студияси ўз ижодий фаолиятини бошлади. Маҳаллий драматурглар — Т.Тожиёв ҳамда Р.Зиё қаламларига мансуб “Ниҳол” ва “Куч бирликда” асарлари “Парвоз” кўғирчоқ театрининг илк репертуаридан жой олди. Ушбу асарларнинг сахна юзини кўришида актёрлар — Ш.Уришев, Д.Тўлқинжонов, А.Норбўтаев, А.Ахматов, мусиқа безакчиси А.Абдутолиповлар муносиб ҳисса қўшдилар.

Сир эмаски, бу эзгу ишларни янада ривожлантириш албатта ҳаражат талаб қилади — декорация ва кўғирчоқлар учун маблағ керак бўлади. Шунинг учун театр жамоаси пул-ли хизматларини ҳам йўлга қўйган. Шу асосда жамғарилган маблағ эвазига профессионал кўғирчоқ театрларидан талабга жавоб берадиган декорация ва кўғирчоқлар харид қилинади. Театр жамоасининг мақсади — ранг-баранг томошалар билан ёш авлодга ота-боболаримиздан мерос миллий қадриятларимизни синдириш, Ватанга садоқатли, маънавий баркамол, ҳар томонлама етук инсонлар қилиб тарбиялашда театрининг ўрни алоҳида эканини синдиришдан иборат.

Маданиятимиз  
фахрийлариБаҳодир  
Нишонов  
70 ёшда

29 июнь куни Ўзбекистон давлат Ёш томошабинлар театрида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, эл ардоғидаги санъаткор, юзлаб шогирдларнинг устози, мазкур театр фахрийларидан бири Баҳодир Нишоновнинг 70 ёши тантанали равишда нишонланди.

Мазкур кечада Ўзбекистон

давлат драма театрининг бир гуруҳ ижодкорлари ҳам иштирок этиб, ҳамкасбларини қутлуг ёши билан табриклашди.

Актёр "Оталар сўзи" — ақлнинг кўзи" кўрсатувидаги турли қаҳрамонлари, шунингдек, "Кореялик келин", "Сеҳрли қалпоқча" каби фильмлардаги роллари билан танилган.



Музейлар фаолиятдан

## Ягона электрон тизим ишга тушди



Қорақалпоғистон Республикаси И.В.Савицкий номидаги давлат санъат музейи 1 июлдан бошлаб чипталар сотишнинг ягона электрон тизimini жорий қилди. Музейда чипталарни сотиш, қайд этиш ва текшириш учун автоматик тизим ишга тушди.

Шунингдек, музей экспонатлари билан мустақил танишиш ва маълумот олиш учун аудиогидлар ва фонограмма жорий қилинди. Аудиогидлар музейнинг барча бўлимларидаги экспонатлар учун 5 тилда (ўзбек, рус, инглиз, немис, француз тиллари-

да) тўлиқ маълумот беради. Ушбу замонавий технологияларнинг устунлиги молиявий тежамкорлиги ва қулайлигида.

Аудиогид хизматлари музей ҳамкори — "Interactive system" компанияси томонидан ишлаб чиқилди.

Театр ва замон

## Ҳаётини комедия

Мамлакатимизда кенг нишонланган Ёшлар куни муносабати билан пойтахтимиздаги Ўзбекистон давлат мусиқали комедия (оперетта) театрида М.Дунаевскийнинг "Ах, водевиль, водевиль" деб номланган мусиқали комедияси намойиш этилди. Театрнинг иқтидорли, истеъдодли актёрлари иштирокида, Н.Салихова режиссёрлигида саҳналаштирилган спектакль томошабин эътиборини бир зумда ўзига жалб этди. Шу оғда бир такси ҳайдовчисининг "Шу театрларгаям одам борадими ўзи? Овора бўлиб келишганидан кўра болаларига иккита нон олиб борсин, орзу-ҳавасини ўйласин, тўғрими..." деган илдоаси ёдга тушди.

Аммо мусиқали комедия намойиши давомида бундай эътирозларнинг ноўрин эканига амин бўлдик.

Ҳар қандай томошабинга завқ-шавқ улашувчи саҳна декорацияси, дид билан тикилган тарихий либослар, дўстликни ифодаловчи самимий инсоний туйғулар

тараннуми... Бир қарашда рус халқи ҳаётини акс эттирган лавҳалар, бироқ ҳар қандай оилада, хонадонда учрайдиган ижтимоий воқеалар енгил кулги остига олинади. Комедия қаҳрамонлари: театр артисти Михаил Лисичкин, унинг қизи — ота касбини танлаган ёш актриса Вера Лисичкина, икки марта уйланиб ажрашган, энди Верочкага уйланмоқчи бўлаётган прапоршик Акакий Ушица, хизматкор Катя ва бошқалар. Қисқаси, ёш Верочканинг ақллилиги, уздабуронлиги туйғули прапоршик Акакий унга уйланишдан воз кечади. Унинг машҳур актриса бўлиш ҳақидаги орзуларига йўл очилади. Мухими, уни отаси ҳам тушунади...

Рус тилида намойиш этилган комедия томошабинлари орасида турли миллат вакиллари бор эди. Шу ўринда спектаклда роль ўйнаган актёрлар: Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Суръат Ортиқов (Михаил), И.Ганиева (Ве-



рочка), С.Норматов (прапоршик Акакий), Ф.Мирзалиева (Катя), А.Нуриддинов (ҳабарчи)ларнинг касб маҳоратини алоҳида таъкидлаш жоиз. Уларнинг меҳнатлари эътиборсиз қолмаётганини театрларимизнинг гавжумлигидан ҳам билса бўлади. Қолаверса, ҳаёт юқоридидаги тасодифий суҳбатдошимиз — ҳайдовчи таъкидлаганидек, фақат кундалик ижтимоий эҳтиёжлардан иборат эмас. Чунки инсон руҳияти ҳамаша маънавий озуқага интилиб яшайди.

С.РИХСИЕВА

Хисобот концерти

## "Оҳанрабо наволар"

ҳисобот концертига туман марказидаги умумтаълим мактаблари ўқувчилари, ота-оналар ва бир қанча ташкилотлар раҳбарлари таклиф қилинди.

Тадбирни мактабнинг доира синфи ўқувчилари бошлаб беришди. Байрамона безатилган саҳнада халқ чолгулари бўлими оркестри ижросидаги "Байрам марши" ҳамда "Порлоқ ой", "Чарос" дуторчи қизлар ансамбли ижросидаги "Жанон", урма зарбли асбоблар синфи ўқувчилари ижросидаги "Попурри", халқ чолгулар 1-бўлимига дуторчи қизлар ансамбли ижросидаги "Ялама ёрим" асарлари томошабинларга кўтаринклик бағишлади.

Шундан сўнг фортепиано синфи битирувчилари — Ирода Тўланбоева, Одина Тўхтамурадова, баян синфи ўқувчиси Рўзимухаммад Ҳабибуллаев, рубоб син-

фи ўқувчилари — Ҳожиакбар Ибрагимов ҳамда Абдуллоҳ Собиржонов, дутор синфи битирувчиси Одина Турсуновалар томонидан турли куйлар ижро этилди. Анъанавий хонандлик синфи ўқувчилари — Ғуломжон Ганиев, Дирёрбек Мухаммадjonов, эстрада синфи ўқувчилари — Билолиддин Абдуқаҳҳоров, Жасурбек Асқаров ва Мухлиса Қозоқова каби ўқувчилар ижросидаги шўх куйлар рақс синфи ўқувчиларининг "Бог", "Салламно", хиндча рақс, "Дилхироқ" номли оммавий рақсларига уланиб кетди.

Тадбир якунида ўқув йилини "аъло" баҳоларга тамомлаган ўқувчилар ҳамда фаол ўқитувчиларга мактаб маъмурияти томонидан фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди.

Б.ТОШПҲЛАТОВ,  
4-БМСМ директори

Ўзбек санъати ниҳоллари

## Бастакор, хонанда ва созанда



Ўзбекистон давлат филармонияси Андижон вилоят бўлимида ашула ва рақс ансамблининг иқтидорли созанда ва хонандаси Абдорбек Жамолитдинов қисқа меҳнат фаолияти мобайнида ўзининг талабчон, изланувчан, меҳнатқаш, фидойилиги билан жамоа ўртасида ҳурмат қозонди. У аҳолининг мусиқа санъатига бўлган эҳтиёжидан келиб чиқиб, маҳаллий шоир ва драматурглар билан ҳамкорликда қўшиқлар яратмоқда ва уларни вилоятда фаолият юритаётган телерадиокомпания ҳамда радио орқали халқимизга тақдим этмоқда. Жумладан, шоир Баҳодиржон Андижоний шеърларига хонанданинг ўзи куй басталанган "Ёри бўлсам майлими", "Ёнаман", Шавкат Холдор шеърларига Дилмурод Нуралиев томонидан басталанган "Она", Бевафо", "Шайдо", Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, сўз устаси Валижон Шамсиев шеъри билан куйланадиган "Эркак" номли қўшиқлар шулар жумласидандир.

Шунингдек, Абдорбек Жамолитдинов Андижон туманидаги 12-болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчиларига маҳорат дарсларини ўтиб келмоқда. Бу дарсларда Абдорбек ўқувчиларга гижжак мусиқа асбобининг келиб чиқиш тарихи, ижро этиш усуллари ҳақида тушунча бериб, мумтоз куйлардан намуналар ижро этиб беради.

Вилоят, республика миқёсида ўтказилаётган байрамлар ва тадбирларда, турли кўрик-танловларда бўлимига ижодий ҳодимлари билан фаол иштирок этиб келаётган ёш хонанда бир неча бор тақдирланган. Жумладан, 2017-2018 йилларда "Ягонасан, муқаддас Ватан!" кўриктанловининг вилоят босқичида 1- ва рағбатлангирувчи ўринларни эгаллаб, фахрий ёрлик ва дипломлар билан муқофотланган. 2018 йили ёш истеъдодлар учун таъсис этилган "Нихол" давлат муқофоти кўрик-танловининг туман, вилоят босқичларида иштирок этиб, анъанавий хонандлик йўналиши бўйича фахри биринчи ўринни эгаллаган Абдорбек республика босқичида иштирок этиш учун йўланмани қўлга киритган.



Беш ташаббус ижроси бўйича Андижон вилоятининг Кўргонтепа туманидаги 4-болалар мусиқа ва санъат мактабида ҳам маданий-маърифий тадбирлар ўтказилди.

Жумладан, "Оҳанрабо наволар" деб номланган ўқув йилининг якуний

Фестиваль

Ёшлар — бизнинг келажакимиз



27 июнь куни Жиззах вилояти Фориш туман маданият марказида “Ёшлар — бизнинг келажакимиз” деб номланган фестивал ўтказилди.

Тадбирда туман ҳокимлиги ижтимоий соҳа бўлими бош мутахассиси И.Юлимов, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи туман кенгаши раиси Ш.Қодиров барчани байрам билан табриклаб, фаол ёшларга ташаккур-

номалар ҳамда эсдалик совғаларини топишди.

Шундан сўнг туман маданият бўлими томонидан тайёрланган концерт намойиш қилинди. Унда маданият марказлари бадий ҳаваскорлик жамоалари иштирокчилари — С.Келдиев, Б.Усмонов, А.Қозоқов, Ж.Рустамов, М.Аҳмедов, Б.Исмоилов, Ш.Сафаралиев, Х.Дех-

қонов, Ф.Ҳайдарова, З.Ҳайдарова, Ж.Қудратовлар ижросидаги куй-қўшиқлар, рақслар барчага байрамона кайфият улашди.

Фестивалга 600 нафардан ортиқ томошабин ташриф бўлди.

Ш.ДАРҲОНОВ,  
Л.ҲАКИМОВА,

Фориш тумани маданият маркази мутахассислари

Ёшлар кун

Кўтаринки кайфият билан...



Бу йил Ўзбекистонда биринчи марта Ёшлар кунни нишонланди. 2017 йил 30 июнь куни Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ушбу санани мамлакатда Ёшлар кун сифатида нишонлаш ташаббусини илгари сурган. 26 августда эса “Ўзбекистон Республикаси ёшлари кунини белгилаш тўғрисида”ги қонун матбуотда эълон қилинганди.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Маданият вазирлигининг барча театрлари қатори Қашқадарё вилояти мусикали драма театрида ҳам байрам тадбирлари кўтаринки кайфият ва юқори савияда ташкил этилди. Мазкур даргоҳда У.Гаджибековнинг “Аршин мал алан” мусикали комедияси бепул намойиш этилди.

Спектаклдан сўнг эса театрнинг олд майдонида катта концерт шоуси бўлиб ўтди. Унда театрнинг ижодий ходимлари вилоят ва пойтахтдан келган санъаткорлар билан бир сахнада куй-қўшиқлар, тарихий спектакллардан парчалар ижро этишди.

Сахнада — “Меҳр қолур”



Ёшлар кун муносабати билан Андижон вилояти ёшлар театри ижодий жамоаси 30 июнь куни М.Ҳамидовнинг “Сўнмас юлдуз” асари асосида сахналаштирилган “Меҳр қолур” спектаклини намойиш этдилар. Бепул ташкил қилинган мазкур спектаклни 70 дан зиёд ёшлар томоша қилишди.

Кўрик-танлов

Тез ва ифодали ўқувчи китобхон

27 июнь куни Жиззах вилояти кўзи ожизлар кутубхонасида “Брайль ёзувида тез ва ифодали ўқувчи китобхон” кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда кутубхонанинг фаол фойдаланувчилари — Сирожиддин Шаропов, Шуҳрат Исмоилов ва Ойгул Эшқувватовалар қатнашишди.

Иштирокчиларни брайль шрифтида сифатли ёзиш, маттни тез ўқиш ва ифодали ўқиш шартлари бўйича Еқуб Ҳайитбоев, Акбар Иномов, Шаҳноза Мамадиева

каби ҳакамлар ҳайъати баҳолаб боришди.

Охириг натижаларга кўра, С.Шаропов 87 балл билан 1-ўрин, Ш.Исмоилов 81 балл билан 2-ўрин, О.Эшқувватова 80 балл билан 3-ўрин соҳиби бўлишди ва республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритишди.


Ҳолиларга кўзи ожизлар кутубхонаси маъмурияти ҳамда



ЎЗКОЖ вилоят бўлимининг фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топирилди.

У.ИБРАГИМОВ,  
Жиззах вилоят кўзи ожизлар кутубхонаси директори

Ҳамкорлик



“Дийдор” — Жиззах театрида

“Дийдор” ёшлар экспериментал театр-студияси жамоаси жорий йилнинг 30 июнь куни Жиззах вилояти мусикали драма театрига ташриф буюрди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 ноябрдаги ПҚ-4038-сонли қарори, 2.4-илоvasи 11-банди ижроси бўйича амалга оширилган ташриф чоғида жамоа томонидан Узеир Гаджибековнинг “Аршин мал алан” спектакли намойиш этилди. Спектакль жараёни томошабинлар билан жонли мулоқот шаклида бўлиб ўтди.

Саҳна асари йиғилганлар томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди.

Ташаббус ижроси амалда

Санъаткорлар дам олувчилар ҳузурида

26 июнь куни Жиззах вилоят мусикали драма театри актёрлари — Г.Худойназаров, Ш.Турсунов, Б.Мамажонов ва Ўзбекистон давлат филармонияси Жиззах вилоят бўлими хонандаси А.Раҳматуллаевлар Зомин шаҳридаги “Лочин” болалар оромгоҳи ҳамда “Зомин” санаторияси дам олувчиларига дилрабо куй-қўшиқлардан иборат концерт намойиш этишди. Шунингдек, қизиқарли ўйинлар, шоу дастурлар ўтказилди ва ҳолиларга санатория маъмурияти томонидан эсдалик совғалари топирилди.

Миржалол ШАЙЗОҚОВ, театр ёш актёри



Мусиқий кеча

22 июнь куни Андижон вилояти Булоқбоши туманидаги “Нефтичи” маҳалла фуқаролар йиғини гузари ва “Кулла” маданият маркази томонидан ҳудуд аҳолиси ва ёшлари учун мусиқий кеча ташкил этилди.

Кечада туман маданият маркази қошидаги “Булоқбоши садоси” ашула ва рақс халқ ансамбли, туман маданият маркази хонандалари — Ш.Хусанов, Б.Ҳамидова, Ш.Ҳотамов, Ш.Камолдинларнинг қўшиқлари, шунингдек, “Парвоз” рақс ансамблининг “Рақслар гулдастаси”, “Ифтихор” ўсмирлар жамоасининг “Беғубор кулги” ва “Шукрона” кўйроқ театрининг “Бой ва баттол” деб номланган чиқишлари барчага манзур бўлди.

Тадбир доирасида турли ижодий ишлар, болаларнинг байрамона либослари ва қўл меҳнати намуналаридан кўргазмалар ташкил қилинди.

С.СОТВОЛДИЕВ,  
Булоқбоши туман маданият маркази мутахассиси



Биринчилиكنи қўлга киритди

29 июнь куни Ю.Ражабий номидаги Жиззах вилоят мусикали драма театрида бадий ҳаваскорлик жамоаларининг кўрик-танлови бўлиб ўтди. Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили ҳамда Президентимиз илгари сурган беш ташаббус ижроси, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 28 йиллигига бағишланган танловнинг вилоят босқичида Фориш туман бадий жамоаси мувофақиятли иштирок этди.

Бадий жамоа 16та жанр бўйича концерт намойиш этиб, якуний натижаларга кўра бу йил ҳам вилоятда биринчилиكنи қўлга киритди.



» Вилоят театрларида

“Бремен  
созандалари”  
оромгох-  
ларда




2 июль куни Самарқанд вилоят мусиқали драма театри жамоаси ака-ука Гриммларнинг “Бремен созандалари” эртаги асосида сахналаштирилган мусиқали спектаклини Пайариқ туманидаги “Камалак” ҳамда Нуробод туманидаги “Қўшчинон” ёзги оромгохларида намойиш

этишти.

Қизиқarli воқеаларга бой сахналар, куй-қўшиқлар, рақсларни ўзида жамлаган асарда болажонлар ахиллик, ҳамжихатлик, меҳнатсеварлик, инсонпарварлик ва ҳалоллик сингари фазилатлар ҳар доим тўғри йўлга бошлашни тушуниб етишади.



» Мозий садоси



## Хўжа Аҳмад Валий қадамжоси

Истиклол туфайли юртимизда тарихга муносабат тубдан ўзгарди. Узоқ йиллар давомида топталиб келган миллий қадриятларимиз, азиз-авлиёларимиз номларини қайта тиклаш, хотирасини эъзозлаш борасида катта ишлар қилинмоқда.

Дарҳақиқат, аҳоли учун зиёратгоҳлар асрлар мобайнида ўзига хос тарбия вазифасини бажариб келган. Бу ўз навбатида ёш авлод тафаккурида она ватанга бўлган меҳр-муҳаббат туғулари юксалтиришда муҳим аҳамият касб этади. Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “Буюк тарихда ҳеч нарса изисиз кетмайди. У ҳалқларнинг қониди, тарихий хотирасида сақланади ва амалий ишларда намоен бўлади. Шунинг учун ҳам қудратлидир. Тарихий меросни асраб-авайлаш, ўрганиш ва авлоддан-авлодларга қолдириш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир”.

Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадиган ойнаси унинг буюк алломалари ҳисобланади. Республикаимизнинг Самарқанд ва Бухоро вилоятларидаги қадамжолар сингари Наманган тупроғида ҳам кўплаб азиз-авлиёлар кўни топган. Айниқса, вилоятнинг Тўрақўрғон туманида бундай қадамжолар кўплаб учраши бу ҳудуднинг алломаларга макон бўлганлигидан далолат беради.

Сирдарё ёқасида жойлашган Ахсикент қанчадан-қанча алломаларга, азиз-авлиёларга, пири-комилларга бешик сифатида улугланган. Шундай қадамжоларлардан бири Шаҳанд қишлоғида жойлашган Хўжа Аҳмад Валий макбарасидир. Хўжа Аҳмад Валий ривоятларда ҳазрат Алининг қилвориди, бошқа ривоятларга кўра Хўжа Аҳмад Ясавий авлодларидан бири сифатида эътироф этилган. Кейинги тадқиқотлар натижасига кўра, у зот 1701 йилда Бухорода таваллуд топгани, илк сабоқни отаси — Ҳожа Мухаммад Валийдан олгани маълум бўлди. Кейинги фаолияти давомида Хўжа Аҳмад Валий диний илмлар билан бирга шариат аҳкомларини ҳам чуқур ўрганган.

XVIII асрнинг биринчи яр-

мида Бухоро амирлигидаги сиёсий вазиятнинг беқарорлиги натижасида Хўжа Аҳмад Валий Фарғона водийсига йўл олади. У ерда ўша даврда ҳам кўркам ва баҳаволиги сабабли Шаҳанд қишлоғи Валийга манзур бўлади. Кейинги фаолиятини шу қишлоқда давом эттириб, у тез орада Фарғона водийсига Нақшбандия тариқатининг етук наояндларидан бирига айланади. Яқин атрофдаги шаҳарлар аҳолиси учун Шаҳанд қишлоғи муқаддас масканга айланади.

Бир ривоятда касалини тузатгани учун Наманган ҳукмдори Хўжа Аҳмад Валийга Шаҳанд қишлоғи атрофини ҳадя қилгани айтилади. Шу даврдан бошлаб Шаҳанд ободгўшага айланади. Шундан кейин бу ерда Хўжа Аҳмад Валий оила қуриб, 3 нафар қиз фарзанд кўради. Лекин тақдир тақозоси билан Хўжа Аҳмад Валийга Шаҳанд қолиш nasib этмади. У киши ҳамроҳлари билан биргаликда Шохимардондаги ҳазрат Алининг макбараси зиёратига отланади. Йўлда Водил қишлоғида тўхташади ва шу ерда Хўжа Аҳмад Валий туш қўриб, тушида “ул зотнинг Ҳазрат Али даргоҳига посбон бўлиши кераклиги” ҳақида хитоб келади. Валий тушида бунга рози бўлади.

Эртасига ҳазрат Али макбарасини зиёрат қилган Хўжа Аҳмад Валий муридларига кўрган туши ва унинг таъбирини айтиб, шу ерда қолиши кераклигини маълум қилади. Шу тарзда у зот кейинги фаолиятини Водил қишлоғида давом эттиради. Умрининг сўнгги кунларини ҳам ҳазрат Алига садоқат билан шу гўшада яшаб ўтказди...

Кейинги йилларда Хўжа Аҳмад Валийнинг бешинчи авлодларидан бири — Раҳмонберди Раҳимов ва вилоят ҳамда туман ҳокимликларининг ҳаракатлари натижасида Хўжа Аҳмад Валий яшаб фаолият юритган Шаҳанд қишлоғида

кўркам қадамжолар ва боғ бунёд этилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 15 февралдаги қарорига кўра мамлакатимиздаги барча тарихий мерос намуналарини асраб-авайлаш, қайта тиклаш орқали келажакка етказиш, улуг зотлар зиёратгоҳларини қадамжоларга айлантириш белгиланди. Шу қарорга биноан Наманган вилояти ҳокимининг фармойиши билан Хўжа Аҳмад Валий зиёратгоҳи қурилишига 120 миллион сўм маблағ ажратилди. Хўжа Аҳмад Валий ва шогирдлари — Алимбой Валийлар қабри усти мармар билан қопланиб, эни — 36 кв/метр, 9 метр баландликдаги мақбара қад ростлади.

Бу йил 21 апрель куни Хўжа Аҳмад Валий қадамжосининг биринчи қисми очилди. Очилиш маросимида ҳадисшунос олим Мухаммадносирхон Турғунов, Усмонжон қори Раҳмонов, Насриддин қори Абдулҳафизов, Жамолдин қори Шарофидиновлар иштирок этишти.

Шуни қувонч билан айтиш мумкинки, бу жойда ҳамон эзгулик ишлари бардавом. Мақбаранинг юқори қисмида Алимбой Валий қабрига мақбара, 20 хилдан ортиқ фойдали элементларга эга шифо сув ҳавзаси ва узоқ йиллар Республика ҳукумати раҳбарлари, меҳнат фахрийлари, таниқли олимлар учрашувлари ва анжуманларида хизмат қилган айвонни реставрация қилиш, жами 8 гектар майдонни чинакам зиёратгоҳга айлантириш сазй-ҳаракатлари жадал давом этмоқда.

Бугунги кунда маскан зиёратчиларнинг доимий қадамжосига айланиб улгурди.


**И.КАРИМОВ,**  
Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи тарих бўлими мудири  
**Р.РАҲИМОВ,**  
“Олтин мерос” жамғармаси мутахассиси

» Музей заллари буйлаб...



## Қозихона қадим ўтмишдан ҳикоя қилади

“Ичан қалъа” музей-қўриқхонасидаги экспозициялар сони яна биттага кўпайди. Кўҳна Арк деворига ёндош қилиб қурилган эски қоровулхона биноси таъмирланди. Бино тўғри тўртбурчак шаклида жанубдан шимолга қараб Кўҳна Арк деворининг шарқий қисмига қурилган, Хоразм қурувчиларининг анъанавий уй қуриш услубини сақлаган ҳолда пойдевори пишиқ ғиштдан терилиб, устига қамишдан тўкилган бўйра тўшалиб, юқорисига квадрат шаклидаги мусулмон ғиштдан девор тикланган ва томи ярим гумбаз шаклида ёпилган. Қадимда бу ерда тунқотарларнинг хонаси бўлган, лекин у бизнинг кунларимизгача сақланмаган. Ҳозир бу бинода “Қозихона интеръери” очилди.



“Қозихона интеръери” музейи экспозициясининг асосий гоъси — жаҳон цивилизацияси ривожига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшган Хоразм хонлигининг давлат бошқаруви, қозилин фаолияти, аҳолининг ҳаёти ва турмуши, бугунги кунда уларнинг тарихи Ўзбекистонда қай даражада ўрганилгани ва унга бўлган муносабатни ёзма манбалар ҳамда ашёвий далиллар воситасида кўрсатиб беришдан иборат.

Ичан қалъа музей-қўриқхонаси фондидаги ҳужжатлар коллекциясининг кўпчилигини қозихатлар, вақфномалар ва хон ёрликлари ташкил қилади. Улар Хива хонлигидаги давлат бошқаруви тарихи, мамлакатнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётини акс эттиради.

Қози — мусулмон давлатларида ҳукмдор томонидан тайинланиб, шариат асосида суд вазифасини бажарувчи, судья, шаръий маҳкама раиси. Қози томонидан тасдиқланган ҳужжат қозихат дейилади.

Қозихат — васикалар Хива хонлиги девонхонасидаги ёзма ишлар эски ўзбек ёзувида олиб борилгани, қозиларнинг иш юритиш усули, шариат қонунларининг амалдаги ўрни, хонликда ер ва унга эгалик қилиш, мол-мулкларнинг олди-сотди, гаров, ижарага бериш ёки вақф қилиш усуллари, жисмоний шахсларнинг турли даъво ва аризаларининг кўриб чиқилиши, оила ва никоҳ масалаларининг кўп қирраларини ўрганишда муҳим маълумотлар беради.

Экспозицияга замонавий витриналар ўрнатилиб, улар турли хилдаги қозихатлар, соқчиларнинг қурол-аслаҳалари ва ўша даврдаги суратлар билан бойитилди. Шунингдек, бу ерда қози ва ёрдამчиларининг иш жараёнлари акс этирилган.

Дилфуза ТОШПҲЛАТОВА,  
“Ичан қалъа” музейи  
қўриқхонаси “Хива хонлиги тарихи”  
бўлими мудири  
Шахло ЕҚУБОВА, илмий ходим

Еш истеъодлар

**Халқаро танловда иккинчи ўрин!**

Термиз шаҳридаги 2-болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчиси Комила Астанақулова шу йилнинг 19-27 июнь кунлари Россиянинг Москва шаҳрида ўтказилган Бастакорлар ва ижрочиларнинг XI Халқаро конкурсида фахрли 2-ўрин соҳибасига айланди. Танлов ғолибаси



мана шундай ажойиб ютуқларни қўлга киритиши учун шарт-шароит яратиб берган ва уни доимо қўллаб-қувватлаган вилоят мутасаддилари, ўзи ўқиган мактаб жамоаси ҳамда ўқитувчиси Р.Чориевга ўз миннатдорчилигини билдирди.



Ташаббус ижроси амалда



**Хотин-қизлар ва ёшлар доимий эътиборда**

Бухоро вилоятининг Вобкент туманида Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг ёшлар билан ишлашни самарали ташкил этишда маданият, санъат, спорт, ахборот технологиялари, китоб ўқишга қизиқишини ошириш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш бўйича илгари сурган 5 та муҳим ташаббуси ижроси доирасида хотин-қизлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олишга қаратилган семинар бўлиб ўтди.

Вилоят, туман ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмитаси, ички ишлар бошқармаси ҳамда тегишли корхона ва ташкилотлар раҳбарлари ҳамкорлигида туман маданият марказида ўтказилган тадбирда китоб ярмаркаси ҳам ташкил этилди. Семинарда 300 нафардан ортиқ хотин-қизлар иштирок этди.



29 июнь куни ўсиб келаётган ёш авлод қалбига Она Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини янада чуқурроқ синдириш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш ҳамда Ёшлар кунини муносиб нишонлаш мақсадида тумандаги "Ёшлик" марказий ўйингоҳида гала концерт ташкиллаштирилди. Туман ҳокимлиги, маданият бўлими, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи туман кенгаши, 8-болалар мусиқа ва санъат мактаби, халқ таълими, жисмоний тарбия ва спорт бўлимлари билан ҳамкорликда уюштирилган, "Кучли ва барқарор давлат асоси соғлом ва баркамол ёшлардир" деб номланган ушбу тадбир давомида савол-жавоб викторинаси ҳам ўтказилди ва ғолибларга китоб совға қилинди.

Тадбирда 1800 нафардан ортиқ ёшлар иштирок этди.

Маданий алоқалар



**Кўчма кўрғазма ташкил этилди**

14 июнь куни Андижон вилоят тарихи ва маданияти давлат музейида Қирғизистон Республикаси "Сулаймон тоо" миллий-тарихий археология музейи мажмуасининг "Сулаймон тоғи халқаро мерос объекти" деб номланган кўчма кўрғазмаси ташкил этилди. Ушбу кўрғазмага вилоятда фаолият олиб бораётган Қирғиз миллий маданияти маркази, Миллий тикланиш демократик партияси вилоят кенгаши ва бир қатор фаоллар иштирок этдилар. Кўрғазмада Сулаймон тоғи тарихи, табиати, ҳайвоноти набототи, у ерда олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида қўлга киритилган осори-атиқалар ҳамда Сулаймон тоғи билан алоқадор обидалар ҳақидаги маълумотлар кенг омма эътиборига ҳавола этилмоқда.

Фарғона водийсининг тарихи узок минг йилликларга бориб тақалади. Жумладан, милoddан аввалги II асрда Хитой императори У Дининг топширигига асосан Хитой давлатининг фарбига саёхат қилган ҳарбий жосус Цзянь Дзаннинг хотираларида ёзилишича, Фарғона водийси ҳудудида 70 та шаҳар-давлатга эга давлат борлигини, у ерда қишлоқ ҳўжалиги, хунармандчилик, биносозлик ҳамда боғдорчилик, айниқса, узум етиштириш ниҳоятда ривожлангани таъкидлаб ўтади. Шу билан бирга унинг кундалигида ушбу давлатни бир сулола вакиллари 10 аср давомида бошқариб келгани тўғрисида ҳам маълумотлар бор. Аммо 10 аср илгари ушбу давлатга қайси сулола вакиллари томонидан асос солингани ва бошқарилгани ҳозирги кунга қадар сир бўлиб қолмоқда. Хитой сайёҳи бу ўлкани ўз тилида "Даван" (қадимги хитой тилидан таржима қилинганда да — "улуг", ван — "тоғ орти" деган маънони англатади) давлати дея таърифлайди.

Замонавий археология фанининг гувоҳлик беришича,



ўша 70 та шаҳар-давлат ҳозирги Ўзбекистон ва Қирғизистоннинг водий атрофидаги текислик ҳудудларига тўғри келади. Ўрта асрларга келиб, айниқса, Темиралийлар даврида ушбу ҳудуд янада ривож топади. Савдо, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар, хунармандчилик, зироатчилик, сунъий сугорма иншоотларнинг кенг ёйилиши бунга мисол бўла олади.

Андижон фарзанди Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг "Бобурнома" асарида ҳам Фарғона давлати 7 та вилоятдан иборат эканлиги, ҳар бир вилоят табиати, аҳолиси, набототи ҳақида алоҳида баён этилган.

Уларнинг бири Ўш вилояти бўлиб, Фарғона давлатида Антэнг ҳавоси тоза, лозазору гулзорларга бой ҳудуд сифатида таърифланади. Бобур таърифида "Барокўҳ", яъни "Туя"



тоғи (ҳозирги Сулаймон тоғи) тўғрисида ҳам маълумотлар бор. У ушбу тоғнинг юқори бурчагига хужра қурдиргани ҳақида айтиб ўтади. Ҳозирги кунда бу ерда "Сулаймон тоо" миллий-тарихий археология музейи фаолият олиб бормоқда.

Мустақиллик йилларида, айниқса, сўнгги икки йил мобайнида қўшни давлатлар билан олиб борилаётган савдо, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий алоқалар қаторида маданий-гуманитар алоқаларнинг ҳам ривож топиб бораётгани кузатилмоқда. Жумладан, Андижон вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи ҳамда Қирғизистон Республикаси Ўш шаҳрида жойлашган юқорида

келтирилган "Сулаймон тоо" миллий-тарихий археология музейи ўртасида 2018 йил 6 ноябрь куни меморандум имзоланди. Меморандум доирасида икки давлат музейшунос, тарихчи, этнограф, археолог каби мутахассис олимлари ўзаро тажриба алмашишлари, сайёҳлик амалиётларини ўтказишлари ва шу каби бир қатор илимий-маърифий тадбирларни ҳамкорликда амалга оширишлари белгилаб олинган. Юқоридаги тадбир ҳам ана шу ҳамкорликнинг бир кўринишидир.

**И.РАСУЛОВ**  
Андижон вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи директори

Вилоят театрларида

**Ёшлар куни кенг нишонланди**

Бугун ҳар бир жабҳада фаол, изланувчан, дунёқарашлари кенг, ташаббускорликда илғор ёшлар талайгина. Мамлакатимизда ёшлар сиёсатида доир қатор дастурлар, чора-тадбирлар асосида қўламли ишларнинг босқичма-босқич амалга оширилаётгани келажакимиз ворисларини ватанпарварлик, садоқат руҳида тарбиялашда муҳим омил бўлмоқда.

Ёшлар куни муносабати билан Андижон вилояти мусиқали драма театри ҳам "Бурч" ва "Давлат болалари" номли сахна асарларини намойиш этди. Спектаклга таъриф буюрган Андижон шаҳридаги 45605-ҳарбий қисм аскарлари маънавий ва маданий ҳордиқ чиқаришларида ўз ҳиссаларини қўшган театр артистларидан чексиз мамнун бўлдилар.

Шерзодбек ДЕХҚОНОВ, группа раҳбари

**МАДАНИЯТ** ОБУНА ИНДЕКСИ: 285

**МУАССИСЛАР:**  
Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирият, «Dildosh media» МЧЖ

**Бош муҳаррир**  
Дилбаҳор Худойбердиева

**Таҳририят манзили:**  
100029, Тошкент шаҳри, Тарас Шевченко кўчаси, 1.  
Тел.: Факс: (371)-256-04-54

Газета ҳафтанинг пайшанба куни чоп этилади.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 10.04.2018 й. 0803 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Таҳририятга келган қўлёзмалар қайтарилмайди ва ёзма жавоб берилмайди. Мақолада келтирилган факт ва асосларга муаллиф жавобгар, унинг фикри таҳририят фикридан фарқланishi мумкин. «Маданият» материалларидан фойдаланилганда манба кўрсатилиши шарт.

Нашр учун масъул: Муҳаббат Шарифова  
Навбатчи муҳаррир: С.Рихсиева  
Навбатчи: Н. Содиқова  
Адади - 8 893 Буюртма - Г - 727  
Сотувда келишилган нарҳда  
Қоғоз бичими А-3, Ҳажми 2 босма табоқ

Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили:  
Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 42.  
Босмахонага топшириш вақти - 23.00  
Топширилди - 23.00  
1 2 3 4 5